



**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB
CHIQUISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON
TIZIMI**

Loyiha

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASI QARORI
Шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни
тасдиқлаш ҳақида
ID-98520 (V-8)

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон қарори](#) ижросини таъминлаш, шунингдек, шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шахта кўтариш қурилмалари учун хавфсизлигига қўйиладиган талабар, уларни қадоклаш, тамғалаш, идентификациялаш, мувофиқлигини баҳолаш ва синовдан ўтказиш тартибини назарда тутувчи Шахта кўтариш қурилмалари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент 1-иловага;

Шахта кўтариш қурилмалари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари мазкур қарор билан тасдиқланган Техник регламент амалга киритилган кундан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби ҳақида аҳоли, республика ижро ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг

202__ йил __ даги ____-сон қарорига

1-ИЛОВА

Шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлиги тўғрисида

ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

§ 1. Мақсади ва қўллаш соҳаси

1. Шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлиги ва уларнинг ҳаётий цикли жараёнларига қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Техник регламентнинг талаблари вертикал ва қия шахта стволлари бўйлаб фойдали қазилмалар ва тоғ жинсларини юзага олиб чиқиш, одамлар ва юкларни тушириш-кўтариш учун мўлжалланган шахта кўтариш қурилмаларига қўлланилади.

Техник регламент талаблари ушбу регламентга [иловадаги](#) рўйхатда келтирилган шахта кўтариш қурилмаларига татбиқ этилади.

3. Техник регламентнинг талаблари шахталарда ишлатиладиган лифтларга, эскалаторларга, конвейерларга, канат йўлларга, тупроқ ёки рудаларни кўчириш, текислаш, профиллаш, қазиб текислаш, шаббалаб зичлаш, зичлаб қотириш, казиш ёки бурғилаш учун мўлжалланган машина ва механизмларга татбиқ этилмайди.

2-§. Атамалар ва таърифлар

4. Техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

бадъя – шурфлар ва стволларни ковлашда, шахта стволини чуқурлаштиришда кон массасини кўтариш учун, шунингдек, шахта стволини ковлаш ва чуқурлаштиришда ствол бўйлаб одамларни тушириш ва кўтариш учун мўлжалланган кўтарма идиш;

белгиланган ресурс – техник ҳолатидан қатъи назар, шахта кўтариш қурилмаси ва (ёки) унинг жиҳозларининг ишлаши тўхтатилиши керак бўлган умумий иш вақти;

белгиланган хизмат муддати – шахта кўтариш қурилмаси ва (ёки) унинг жиҳозлари ишлашининг календарь давомийлиги, унга эришилгандан кейин техник ҳолатидан қатъи назар улар тўхтатилиши шарт;

вагонча – шахта юзасига фойдали қазилмалар ва тоғ жинсларини ташиш ва кўтариш учун

мўлжалланган кўтарма идиш;

жиҳозлар – мустақил равишда ишлатиладиган ёки шахта кўтариш қурилмасига ўрнатиладиган, унинг асосий ва (ёки) қўшимча функцияларини бажариш учун зарур бўлган техник қурилма;

ишдан чиқиш – қоидалар ёки фойдаланиш бўйича йўриқномаларини бажармаслик, ишлаб чиқариш ва таъмирлашда белгиланган жараёнларга риоя қилмаслик, лойиҳалашда конструктив бузилишлар оқибатида шахта кўтариш қурилмаси ва (ёки) унинг жиҳозлари иш қобилиятини бузилишидан иборат ҳодиса;

ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) – янги турдаги шахта кўтариш қурилмасини (машинани) яратиш, тажриба намунаси учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва намунани ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс;

катак (клеть) – одамларни, жиҳозлар ва материалларни тушириш ва кўтариш, шунингдек, фойдали қазилма ва жинсларни вагончада кўтариш учун мўлжалланган кўтарма идиш;

кон-техник иншоотлар – вертикал (тик) кўтаришда йўналтирувчи ўтказгичлар билан жиҳозланган, катаклар ва қутиларнинг улар бўйлаб ҳаракатланишига ҳамда қия кўтарилишда рельсли йўллар билан жиҳозланган, вагончалар ҳамда қутиларни ҳаракатлантиришга мўлжалланган шахталарнинг стволлари. Шахтанинг ствол яқинидаги кон ҳовлисида жойлашган иншоотлар (юклаш бункери ва юк ағдаргич камераси ёки қабул қилиш майдончаси). Шахта усти иншоотлари (шахта кўтариш қурилмаси ва юк кўтариш идишларини бўшатиш учун қабул қилиш бункери ёки юк ташиш йўллари ва майдончалари бўлган шахта устидаги бинолари);

кўтариш қурилмаси – осма ва парашют қурилмалари, катакларни тўхтатиш мосламалари, кўтариш канатлари, катаклар учун кўниш мосламалари бўлган юк кўтариш мосламаси;

синов – яширин нуқсонларни аниқлаш ва ускунанинг белгиланган режимларда ва хавфсизлик қоидалари талабларига, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларнинг эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш қўлланмаси (йўриқномаси) шартларига мувофиқ ишлашга яроқлилигини аниқлаш мақсадида синовдан ўтказиладиган жиҳознинг ҳолатини тавсифловчи физик катталиклар ва параметрларнинг қийматларини тегишли дастур ва методикаси бўйича ўлчаш;

ствол – фойдали қазилма конини очиш, одамларни, юкларни, фойдали қазилмаларни ва жинсларни ташиш учун мўлжалланган вертикал, қия кон иншооти;

таъмирлаш – ейилган ёки шикастланган алоҳида узеллар ва деталларни тиклаш ёки уларни яроқлиларига алмаштириш;

техник хизмат кўрсатиш – шахта кўтариш қурилмасининг ишлаши давомида унинг ишлаши ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амаллар мажмуасини бажариш;

хавфли зона – шахта кўтариш қурилмасидан келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг одамга таъсири бўлган жой;

шахта катаги парашюти – кўтариш канати узилганда катакни равон тўхтатиш ва кейин уни ушлаб туриш учун мўлжалланган қурилма;

шахта – фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олувчи ва уларни истеъмолчига ёки кон-кайта ишлаш фабрикасига жўнатувчи ишлаб чиқариш корхонаси;

шахта кўтариш машинаси – шахта кўтариш қурилмасининг қисми, тортувчи кучланиш

ҳосил қилиш ва кўтариш ускунаси ишини бошқариш учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми ўраш элементи, редуктор, тормозлаш мосламаси, ишга тушириш-ростлаш ва сақлагич аппаратураси бўлган электр двигателдан иборат;

шахта кўтариш қурилмаси – тоғ жинслари ва кўмирни юзага узатиш, одамларни, кон-шахта ускуна ҳамда материалларни тушириш ва кўтариш, шунингдек шахта стволи армировкаси ва мустаҳкамлагичларни кўриқдан ўтказиш ва ревизия қилиш учун мўлжалланган ҳамда шахта кўтариш машинаси, кўтариш жиҳозлари ва кон-техник иншоотларидан иборат қурилма;

шахта кўтариш қурилмасини ишлатиш – шахта кўтариш қурилмаси ҳаётий циклининг босқичи бўлиб, вазифаси бўйича фойдаланиш, кўрик ва синовдан ўтказиш, ревизия қилиш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлашни ўз ичига олади;

қия ствол – ўқи горизонтга нисбатан 3° дан 85° гача қия бўлган ствол;

кути (скип) – фойдали қазилмаларни ва жинсларни кўтариш учун мўлжалланган кўтариш идиши.

2-боб. Шахта кўтариш қурилмалари учун хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий хавфсизлик талаблари

5. Шахта кўтариш қурилмаси қуйидаги синфларга бўлинади:

ишлатилиши бўйича: кон ўтиш ва конда фойдаланиш;

шахта стволининг қиялик бурчаги бўйича: вертикаль ва қия;

кўтариш идишлари типи бўйича: на кутили, катакли, кути-катакли ва бадьяли;

кўтариш канатлари сони бўйича: бир канатли ва кўп канатли.

6. Шахта кўтариш қурилмалари ва уларнинг жиҳозларини лойиҳалаш технологик лойиҳалаш нормаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Лойиҳа ҳужжатларида шовқин ва тебранишнинг чегаравий параметрлари аниқланади ҳамда рухсат этилган даражаси таъминланади.

7. Агар хавфни мақбул даражага туширишнинг иложи бўлмаса, лойиҳа ҳужжатларида инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизими назарда тутилиши керак.

Шахта кўтариш қурилмасининг лойиҳа ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

8. Шахта кўтариш қурилмаси қуйидаги асосий маълумотлар асосида лойиҳаланиши лозим:

шахтанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати;

шахтанинг чуқурлиги;

юкнинг характеристикаси (одамлар сони, кўмир, руда, бўш тоғ жинслари, кон қазииш ашёлари);

ер ости транспорти учун кўзда тутилган вагончаларнинг тури ва сифими.

Лойиҳада замонавий электромеханик қурилмалар танланиши ва максимал ишончлилик ва иқтисодий кўрсаткичлар таъминланиши лозим.

9. Лойиҳалашда қуйидагилар аниқланиши ва ҳисоб-китоб қилиниши лозим:

қўтариш идишларининг типи танланиши ва уларнинг ҳаракатланишини зарур муддати аниқланиши;

қўтариш тизимини бараварлаштириш усули танланиши;

қўтариш канати тегишли стандарт бўйича ҳисобланиши ва танланиши;

барабаннинг асосий ўлчамлари аниқланиши ва ўраш органи танланиши;

копернинг типи танланиши, унинг баландлиги аниқланиши ва стволга нисбатан қўтариш машинасининг жойлашиш схемаси тузилиши;

қўтариш кинематикаси ҳисобланиши, қўтариш машинаси танланиши, $v=f(t)$ ва $\alpha=f(t)$ диаграммалари тузилиши ҳамда қўтариш циклининг амалдаги давом этиши аниқланиши, бунда v – тезлик, t - вақт;

ҳаракатланувчи қисмларнинг солиштирма массаси аниқланиши ва қўтариш динамикаси ҳисобланиб $F=f(t)$ диаграммаси тузилиши, бунда F – кучланиш, t - вақт;

ўраш органи валидаги қувватнинг диаграммаси тузилиши, юритма типи танланиши, двигателнинг зарур қуввати аниқланиши, қўтариш двигатели танланиши ва у ўта юкланиш бўйича текширилиши;

коммутация схемаси, зарур бошқарув ва ҳимоя аппаратураси, стгнализация схемаси ва аппаратураси танланиши,

қўтариш қурилмасининг иш вақтини суткалик баланси ҳисоб-китоб қилиниши ва тузилиши;

қўтариш қурилмасининг жиҳозларига смета тузилиши ва лойиҳаланган қурилманинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилиниши.

10. Шахта қўтариш қурилмасини бошқариш тизимлари улардан барча иш режимларида ва фойдаланиш шартларида назарда тутилган ҳар қандай ташқи таъсирларда фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаши керак. Бошқариш тизимида шахта қўтариш қурилмаларини хавфсиз ва ишончли ишлаши, иш режимларидаги бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва авариявий вазиятларни олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриш учун ҳимоя ва блокировка аппаратуралари кўзда тутилган бўлиши лозим.

11. Шахта қўтариш қурилмасини бошқариш тизимлари мантикий хатоларга йўл қўйилганда ва машинист томонидан бошқариш ҳаракатлари нотўғри бажарилганда, хавфли вазиятларнинг вужудга келишини истисно қилиши керак.

12. Шахта қўтариш қурилмасини бошқариш тизимлари огоҳлантириш сигнализацияси воситалари ва хавфли вазиятлар вужудга келишига олиб келадиган шахта қўтариш қурилмаси ишлашидаги носозликлар ҳақида огоҳлантириш учун бошқа воситаларни ўз ичига олиши керак.

13. Шахта қўтариш қурилмаси конструкциясини ўзгартириш ишлаб чикувчи (лойиҳачи) билан келишилган бўлиши керак.

14. Шахта кўтариш қурилмасини монтаж қилиш, шунингдек йилига бир марта ревизия қилиш ва созлаш тегишли рухсатномага эга бўлган мустақил ихтисослаштирилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

15. Шахта кўтариш қурилмасининг белгиланган хизмат муддати давомида қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

шахта кўтариш қурилмасидан фойдаланиш тегишли рухсатномага эга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши;

шахта кўтариш қурилмасидан фойдаланиш даврида техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, синов ва кўрикдан ўтказиш амалдаги кончилик қоидалари, ишлаб чиқарувчи заводнинг фойдаланиш бўйича қўлланмаси (йўриқномаси), техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш дастурларида (технологик харитада) белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши;

шахта кўтариш қурилмасига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга оид ишларни бажариш уни ишлатадиган ташкилотнинг малакали ходимлари томонидан амалга оширилиши.

16. Вертикал иншоотлар бўйлаб одамлар кўтарилиши ва тушишининг максимал тезлиги 12 м/с дан ошмаслиги, қия иншоотлар бўйлаб эса 5 м/с дан ошмаслиги керак. Одамларни бадьяларда кўтариш ва туширишда йўналтирувчи бўйлаб максимал тезлик 8 м/с дан, йўналтирувчи бўлмаган жойларда эса 1 м/с дан ошмаслиги керак.

Вертикал иншоотлар бўйлаб юкларни кўтариш ва туширишда максимал тезлик шахта кўтариш қурилмасининг лойиҳа ҳужжатлари билан белгиланади, қия иншоотлар бўйлаб эса юкларни кутиларда кўтаришда тезлик 7 м/с дан ва юкларни вагончаларда кўтаришда 5 м/с дан ошмаслиги керак.

Юкларни бадьяларда кўтариш ва туширишда йўналтирувчи бўйлаб бадьянинг ҳаракат тезлиги 12 м/с дан, йўналтирувчи бўлмаган жойларда эса 2 м/с дан ошмаслиги керак.

17. Одамларни ва юк билан бирга одамларни (юк-одам) кўтаришга мўлжалланган шахта кўтариш қурилмаларининг юк-одам кўтариш ва тортиш канатлари В маркали, бошқалари эса I маркадан паст бўлмаслиги керак.

18. Ҳар бир шахта кўтариш машинасида ва унинг чиғирида юритмани бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишга туширадиган ишчи ва сақлагичли механик тормозланишлар кўзда тутилган бўлиши керак.

19. Шахта кўтариш қурилмасини хавфсиз ишлатишга оид талаблар амалдаги кончилик қоидалари, шунингдек эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома) билан белгиланади.

20. Шахта кўтариш қурилмасининг белгиланган хизмат муддати тугагандан сўнг, шахта кўтариш қурилмасининг вазифаси бўйича фойдаланиш муддатини узайтириш шартлари ва имкониятларини аниқлаш мақсадида диагностика ўтказмасдан, ушбу диагностика натижаларини ҳисобга олиб модернизациялаш ёки алмаштириш (таъмирлаш)ларни амалга оширмаган ҳолда ундан вазифаси бўйича фойдаланишга йўл қўйилмайди.

2-§. Механик хавфсизлик талаблари

21. Шахта кўтариш қурилмасининг ҳаракатланувчи қисмлари улардан жароҳат олиш

эҳтимоли бўлмаган тарзда жойлаштирилиши керак, агар хавф сақланиб қолиб, бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлса, огоҳлантирувчи белгилар ва/ёки ёзувларни қўллаш, шахта кўтариш қурилмасининг хавфли қисмларига тегиб кетишини олдини олиш учун сақловчи ёки ҳимояловчи воситалардан фойдаланиш лозим.

22. Ҳимоя ва сақлаш қурилмалари:

хавфсиз бўлиши;

мустаҳкам ва барқарор конструкцияга эга бўлиши;

хавфли ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишга ҳалақит бермаслиги;

асбобларни созлаш ва (ёки) алмаштириш ҳамда шахта кўтариш қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга имкон бериши;

хавфли зонадан белгиланган масофада жойлашган бўлиши шарт.

23. Қўзғалмас ҳимоя тўсиқлари тўсилган майдонга фақат асбоблар ёрдамида кириш имкониятини таъминловчи воситалар ёрдамида ишончли мустаҳкамланиши лозим.

24. Қўзғалувчан ҳимоя тўсиқлари:

ҳимоя тўсиқлари очиқ бўлганда шахта кўтариш қурилмалари таркибий қисмларининг ишлашига тўсқинлик қилувчи блокировка қурилмаларига эга бўлиши;

улар очиқ бўлганда имкон қадар шахта кўтариш қурилмалари таркибий қисмларига маҳкамланган ҳолда қолиши керак.

25. Қўзғалувчан ҳимоя тўсиқлари ва ҳимоя воситалари қуйидагича ишлаб чиқилган (лойиҳалаштирилган) ва шахта кўтариш қурилмаларини бошқариш тизимига киритилган бўлиши керак:

ҳаракатланувчи қисмлар ходимларнинг таъсир доирасида бўлганда уларни ишга туширишнинг имкони бўлмасин;

мос келадиган тўсиқ ўрнатилган ҳолда отилиб чиқадиган қисмлардан ҳимоя таъминлансин;

шахта кўтариш қурилмаси ва унинг жиҳозлари ишга туширилаётганда, уларнинг таъсир доирасида одамлар турмасин;

улар фақат асбоблар ёрдамида ўрнатилсин;

ҳимоялаш ва сақлаш қурилмалари таркибий қисмларидан бири йўқ бўлса ёки ишламаса ҳаракатланувчи қисмларнинг ишга тушишининг олди олинсин.

26. Шахта кўтариш қурилмаларининг ҳаракатланувчи қисмларига киришни чекловчи иш учун зарур бўлган ҳимоя мосламалари қуйидагиларни таъминлаши шарт:

отилиб чиқиши мумкин бўлган қисмлар хавфини чеклаши;

қўлда ёки автоматик равишда ўрнатилиши (улар иштирок этадиган иш турига қараб);

асбоблардан фойдаланилган ҳолда ўрнатилиши.

27. Катаклар кўтариш канатлари узилганда уларни равон тормозланиши ва тўхтатилишини таъминлайдиган шахта катаги парашюти билан жиҳозланган бўлиши керак. Кўтариш канатларининг сони тўртта ва ундан ортиқ кўпканатли кўтариш мосламаларида шахта

катаги парашютини қўллаш шарт эмас.

3-§. Ёнгин хавфсизлиги талаблари

28. Шахта кўтариш қурилмаларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Ёнгин хавфсизлиги тўрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги февралдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва ёнгин хавфсизлиги талаблари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

4-§. Электр хавфсизлиги талаблари

29. Шахта кўтариш қурилмаларининг электр қурилмалари огоҳлантирувчи белгилар, тўсиқлар, ерлагич (заземление) билан, электр токи уришининг олдини оловчи ҳимоя ва блокировкалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

30. Одам ва юк-одам кўтаришга мўлжалланган шахта кўтариш қурилмалари, захирани автоматик киритиш (АВР) мосламалари ва ер усти нимстанцияларидан бирининг турли секцияларидан иккита ўзаро алмаштириладиган истеъмол кабель линиялари орқали электр энергияси билан таъминланиши керак.

31. Кучланиши 1000 В дан юқори ўзгарувчан ток манбалари ерга бир фазали туташидан ҳимояланган бўлиши керак.

32. Назорат занжирлари, бошқарув ва сигнализация занжирлари учун вертикал ва қиялик бурчаги 45° дан юқори бўлган қия иншоотлар бўйлаб стационар ўрнатишда симли зирҳли назорат кабеллари, горизонтал иншоотларда эса лента зирҳли назорат кабеллари, эгилувчан назорат ва қувват кабеллари қўлланилиши керак.

33. Бошқарув, алоқа, сигнализация, теленазорат ва диспетчерлик учкунга хавфсиз занжирлари учун назорат кабеллари ва алоқа линиялари кабелларининг бўш толаларидан фойдаланиш керак. Шахта телефон кабелларидан фойдаланишга рухсат берилади.

34. Умумий шахта, диспетчерлик ва фавқулодда телефон алоқа линиялари, шунингдек, шахта кўтариш қурилмаларнинг маҳаллий алоқаси учун шахта телефон кабелларидан фойдаланиш керак.

35. Стволнинг ишчи ва захира магистрал сигнализация ва симли алоқа тўпламлари учун электр таъминоти алоҳида кабеллар орқали яқка ҳолда амалга оширилиши ва умумий коммутация қутилари ва сигнализация қурилмаларига эга бўлмаслиги керак.

36. Кучланиши 42 В дан юқори сигнал пулътларини (тизимларни) электр токи билан таъминлашда тармоқдан ток сизиб чиқишидан ҳимояланиш кўзда тутилган бўлиши керак. Бунда, одамлар ва юк-одамлар учун катакли кўтариш қурилмаларида, шунингдек, ишқаланиш шкиви бўлган қутили кўтариш қурилмаларида ток сизиб чиқишдан ҳимоя қурилмаси машинистга сигнал бериши керак ва кўтариш цикли тугагандан сўнг тармоқ ўчирилиши керак. Бошқа барча ҳолатларда ток сизиб чиқишдан ҳимояловчи қурилма сигнал бериши ва бир вақтнинг ўзида тармоқни ўчирилиши керак.

37. Схемали техник ечимлар, истеъмол тармоғи кучланиши ўчирилганда ва истеъмол

автоном қувват манбаларининг кучланиши йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларда ўзгарганда сигнализация аппаратураларининг ишлашини таъминлаши керак.

5-§. Портлаш хавфсизлиги талаблари

38. Портлаш хавфи мавжуд бўлган муҳитли шахталарнинг портлаш хавфсизлиги амалдаги стандартларда белгиланган талаблар ҳажмида портлашни олдини олиш ва портлашдан ҳимоялаш чоралари, ташкилий ва ташкилий-техник чора-тадбирлар орқали таъминланиши керак.

39. Газ ва чанг бўйича портлаш хавфи бўлган шахталарда, чиқадиган ҳаво оқими бўлган шахта стволларида ва шахталарга туташган шахта усти иншоотларида, тоза ҳаво оқими бўлган шахта стволларида ва тўсатдан қўмир, жинслар ва газ чиқиши хавфи бўлган шахталарнинг уларга туташ шахта усти иншоотларида, агар шахта ҳавосининг ушбу иншоотларга кириб бориши истисно қилинмаган бўлса ҳамда шахталарнинг ер ости қазилмаларида портлашдан ҳимояланиш даражаси коннинг юқори ишончилигидан паст бўлмаган ствол сигнализацияси қўлланилиши керак.

6-§. Ўлчов бирлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар

40. Ҳар бир шахта кўтариш машинаси ишлайдиган ва аниқликни таъминлайдиган қуйидаги соз ўлчов воситаларига эга бўлиши керак:

асосий ток ва электродинамик тормозланиш занжирларида амперметрлар ва вольтметрлар;

тормоз тизимидаги сиқилган ҳаво ёки мой босимини кўрсатадиган манометрлар;

машина ишининг барча циклларини қайд қилувчи ва ҳаракат тезлиги ва йўналишини таҳлил қилиш имконини берувчи асбоблар.

41. Давлат метрология текшируви ва назорати соҳасига тааллуқли ўлчов воситалари ўлчов воситаларининг давлат реестрига киритилиши ва Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги қонунига мувофиқ метрологик аттестациядан ўтказилиши ёки қиёсланиши керак.

3-боб. Шахта кўтариш қурилмаларини қадоқлаш талаблари

42. Шахта кўтариш қурилма ва унинг жиҳозларини қадоқлаш учун ишлатиладиган материаллар ва моддалар хавфсиз бўлиши керак.

43. Қадоқлаш ишончли бўлиши ва шахта кўтариш қурилмаси ҳамда жиҳозларининг сақланишини, уларни ташиш ва сақлаш вақтида хавфсизлигини таъминлаши керак.

4-боб. Шахта кўтариш қурилмаларини тамғалашга қўйиладиган талаблар

44. Ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб бериладиган шахта кўтариш қурилмалари, шунингдек, унинг жиҳозлари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва (ёки) томонларнинг келишувига кўра бошқа тилда тузилган йўлланма ҳужжатларига, аниқ кўринадиган ва ўчиб кетмайдиган қуйидагиларни ифодаловчи идентификация ёзувига эга бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси;

номи ва (ёки) белгиси (тури, тамғаси, модели, агар мавжуд бўлса);

ишлаб чиқарилган оyi ва йили.

45. Йўлланма ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

шахта кўтариш қурилмаси ва унинг жиҳозларининг лойиҳа ҳужжатлари ва паспортлари;

ўрнатиш, йиғиш, созлаш ёки ростлаш бўйича йўриқнома;

эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома);

йиғиш чизмалари ва маълумотнома бирликлари;

йиғма бирликларига паспортлар;

прокат ва маҳкамлаш деталларига паспортлар;

бутлаш рўйхати.

46. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома) қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Техник регламентнинг 44-бандида кўрсатилган маълумотлар;

шахта кўтариш қурилмасидан мўлжалланишига мувофиқ фойдаланиш бўйича кўрсатмалар, ишлатиш вақтида риоя қилиниши шарт бўлган хавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (шу жумладан ишга тушириш, мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъмирлашлар ва техник кўриқдан ўтказишлар, ташиш ва сақлаш);

белгиланган хизмат муддати ёки белгиланган ресурс кўрсаткичлари;

муҳим носозликлар рўйхати, ходимлар йўл қўйиши эҳтимоли мавжуд аварияга олиб келиши мумкин бўлган хатолар ва бу хатоларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар;

чегаравий ҳолат мезонлари;

ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс) номи ва жойлашган жойи, импорт қилувчи, улар билан боғланиш учун маълумотлар.

47. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома) қоғоз шаклда амалга оширилади. Унга ишлатиш ҳужжатлар тўплами электрон ташувчиларда илова қилиниши мумкин.

48. Агар Техник регламентнинг 44-бандида кўрсатилган маълумотларни шахта кўтариш қурилмаси жиҳозларига ёзишнинг имкони бўлмаса, улар фақат ушбу жиҳознинг паспортида кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолда, ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси, жиҳознинг номи ва белгиланиши (тури, маркаси, модели, агар мавжуд бўлса) қадокда туширилган бўлиши керак.

5-боб. Мувофиқликни баҳолаш

1-§. Шахта кўтариш қурилмаларини идентификациялаш

49. Шахта кўтариш қурилмасини идентификация қилиш, унинг тақдим этилган йўлланма ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

50. Шахта кўтариш қурилмаларини идентификациялаш унинг характеристикалари Техник регламентнинг 44-45-бандларида кўрсатилган белгилар билан бир хиллигини ўрнатиш йўли билан амалга оширилади.

Шахта кўтариш қурилмасини идентификация қилиш учун маҳсулот таснифлагичида ва лойиҳа ҳужжатларида, шу жумладан, техник шартлар ва етказиб бериш шартномаларида кўрсатилган характеристикаларидан фойдаланиш мумкин.

51. Шахта кўтариш қурилмаси идентификациясини, шахта кўтариш қурилмасининг номи, тури (вазифаси) каби белгилари бўйича қуйидагилар томонидан ўтказилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уни муомалага киритган ишлаб чиқарувчи (сотувчи);

маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида сертификатлаштириш органи;

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси.

2-§. Шахта кўтариш қурилмалари мувофиқлигини баҳолаш

52. Бозорга чиқарилишидан олдин шахта кўтариш қурилмалари маҳсулот мувофиқлик декларацияси шаклида мувофиқликни тасдиқлаш амалиётидан ўтиши керак. Мувофиқликни тасдиқлашда ариза берувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида ишлаб чиқарувчи (ваколатли ишлаб чиқарувчи) ёки импорт қилувчи (сотувчи) бўлган юридик шахс ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Мувофиқликни тасдиқлашдан олдин шахта кўтариш қурилмаларини идентификациялаш амалиёти ўтказилади.

53. Мувофиқлик сертификати серияли ишлаб чиқариладиган шахта кўтариш қурилмаларига уч йил муддатга, шахта кўтариш қурилмалари партияси эса маҳсулотнинг яроқлилик ёки кафолат муддатига расмийлаштирилади.

54. Шахта кўтариш қурилмаларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини декларациялаш ушбу техник регламентнинг 2-иловасига мувофиқ 1Д ёки 2Д схемаларига мувофиқ амалга оширилади.

Мувофиқлигини декларациялаш схемаси ариза берувчи томонидан танланади.

55. Мувофиқликни декларациялаш мақсадида ўтказиладиган синовлар ишлаб чиқарувчи (ваколатли ишлаб чиқарувчи), импорт қилувчи (сотувчи) томонидан синов лабораториясида ёки

Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш органларининг ягона реестрига киритилган аккредитацияланган синов лабораториясида (марказида) ташкил этилади.

56. Шахта кўтариш қурилмаларининг мувофиқлигини тасдиқлашда ариза берувчи шахта кўтариш қурилмаларининг ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қуйидагилардан иборат ҳужжатлар тўпламини шакллантиради:

техник шартлар (мавжуд бўлса);

шартнома (етказиб бериш шартномаси) ва етказиб бериш ҳужжатлари (2Д схемага мувофиқ мувофиқликни декларациялашда);

ишлаб чиқарувчининг сифат менежменти тизими сертификати (мавжуд бўлса);

шахта кўтариш қурилмасининг сифати паспорти;

шахта кўтариш қурилмасининг хавфсизлик паспорти;

шахта кўтариш қурилмасининг ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи синов баённомалари;

ариза берувчининг Ўзбекистон Республикасида юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

хорижий сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари (мавжуд бўлса).

57. Мувофиқликни 1Д схемасига мувофиқ декларациялашда ариза берувчи ушбу техник регламентнинг 56-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширади ва ишлаб чиқариш жараёни шахта кўтариш қурилмаларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаши учун барча зарур чораларни кўради, маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш, мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида шахта кўтариш қурилмалари айланишининг мувофиқлик белгисини қўллайдди.

58. Мувофиқликни 2Д схемасига мувофиқ декларациялашда ариза берувчи ушбу техник регламентнинг 56-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради, намуналарни синовдан ўтказиш, мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида маҳсулот айланишининг мувофиқлик белгисини қўллайдди.

59. Мувофиқлик декларацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш тартибларига оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарорида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати унинг рўйхатдан ўтган санасидан бошланади:

серияли ишлаб чиқариладиган шахта кўтариш қурилмалари учун – уч йил муддатга;

шахта кўтариш қурилмаларининг партияси ёки ягона (якка) нусхаси учун – шахта кўтариш қурилмаларининг яроқлилик муддатига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган шахта кўтариш қурилмалари учун эса – амал қилиш муддати кўрсатилмасдан.

60. Шахта кўтариш қурилмаларининг ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами, шу жумладан мувофиқлик

декларацияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақланиши керак:

серияли ишлаб чиқариладиган шахта кўтариш қурилмалари учун – ишлаб чиқарувчида (ваколатли шахсда), шахта кўтариш қурилмалари ишлаб чиқаришдан чиқарилган (тўхтатилган) кундан бошлаб камида ўн йил ичида;

шахта кўтариш қурилмаларининг партияси ёки ягона (якка) нусхаси учун – импорт қилувчида (сотувчида), ишлаб чиқарувчида (ваколатли шахсда), мувофиқлик декларацияси рўйхатдан ўтган кундан бошлаб камида ўн йил давомида.

3-§. Намуна танлаш ва синовларни ўтказиш

61. Шахта кўтариш қурилмасини мажбурий сертификатлашда синовлар ва ўлчовлар Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш органларининг ягона реестрига киритилган аккредитацияланган синов лабораторияси (маркази) томонидан амалга оширилади.

62. Шахта кўтариш қурилмасини Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур синов усуллари, шунингдек, намуна олиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Хавф даражаси юқори бўлмаган маҳсулотларнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Ўтиш даври

63. Техник регламент кучга киритилган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахта кўтариш қурилмаларига қўйиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлар ушбу Техник регламентга мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисми амал қилади.

64. Техник регламент амалга киргунга қадар шахта кўтариш қурилмаларига расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари **ва мувофиқлик декларациялари уларнинг** амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

65. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, бошқа мутасадди давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

8-боб. Техник регламентга риоя қилмаслик учун жавобгарлик

66. Техник регламент талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Шахта кўтариш қурилмаларининг
хавфсизлиги тўғрисида
техник регламентга
1-ИЛОВА

**Техник регламент талаблари қўлланиладиган мажбурий тартибда мувофиқлиги
баҳоланиши лозим бўлган шахта кўтариш қурилмасида қўлланиладиган
асбоб-ускуналар**

РЎЙХАТИ

т/р	Шахта кўтариш қурилмасида қўлланиладиган асбоб-ускуналар номи	ТИФ ТН коди
Мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиши лозим бўлган асбоб ускуналар		
1.	Темир ёки пўлатдан электр изоляцияланмаган симлар, трослар, арқонлар, буралган симлар, стропплар ва шунга ўхшашлар: — бошқалар	7312
	— ўралган симлар, трослар ва арқонлар:	7312 10
